

Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир

10:03 / 04.11.2018 2351

Аллоҳ таоло Мунофиқун сурасида шундай марҳамат қилади:

فَيَقُولُ الْمَوْتُ أَحَدَكُمْ يَأْتِيكَ أَنْ قَبْلَ مِّنْ رَّزَقِنَاكُمْ مَّأْمِنٍ وَأَنْفِقُوا

مِّنْ وَأَنْ كُنْ فَأَصْدَقَ قَرِيبٍ أَجَلٍ إِلَيَّ أَخَّرْتَنِي لَوْلَا رَبِّ

الصَّالِحِينَ ﴿١٠﴾

“Ва бирингизга ўлим келиб: «Роббим, агар мени озгина муддатга орқага сурсанг-у, садақа қилсам ва солихлардан бўлсам», демасидан аввал Биз сизларга ризқ қилиб берган нарсалардан нафақа қилинг.

Ризқнинг асосий манбаи Аллоҳ таолонинг Ўзидир ва У Зот одамларга Ўзи хоҳлаганича ризқ бериб қўйган ва ундан нафақа, хайр-эҳсон қилиб туришга буюрган. Албатта, бу иш ўлим келишидан аввал бўлиши шарт. Соғ-саломатликда, ҳамма нарсага қодирлик пайтида хайр-эҳсон қилса,

Ўрнига тушади. Ўлим келганда эса ҳамма ҳам ёлвориб, Аллоҳдан яна озгина умр беришини сўрайди, садақа қилиб, яхши кишилар қаторида бўлишни истаб қолади. Лекин унда кеч қолган бўлади. Чунки

تَعْمَلُونَ بِمَا خَيْرٌ وَاللَّهُ أَجَلُهَا جَاءَ إِذَا نَفَسَ اللَّهُ يُؤَخِّرَ وَلَنْ

“Аллоҳ ажали келган жонни ҳеч-ҳеч орқага сурмас. Ва Аллоҳ нима амал қилаётганингиздан ўта хабардордир”. (10-11-оятлар).

Оқил киши бошига ўлим келмасидан аввал хайрли ишларни кўпроқ қилиб қолишга интилади ва шундай бўлиши ҳам лозим. Чунки Аллоҳ таоло ҳар бир гапу ишдан хабардор Зотдир.